



**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
KONSTITUTSIYAVIY SUDINING
QARORI**

Ўзбекистон Республикаси номидан

**“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг
86-моддаси биринчи қисмига шарҳ бериш ҳақида**

Тошкент шаҳри

2024 йил 23 июль

Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди (бундан буён матнда – Конституциявий суд) раислик қилувчи М.Абдусаломов, судьялар А.Ғафуров, Ж.Балкибаева, К.Давлетова, Р.Исмайлов, А.Рахимов ва А.Раҳмановдан иборат таркибда, катта эксперт У.Ғиязовнинг котиблигида, тарафларнинг вакиллари – Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий марказининг (бундан буён матнда – Миллий марказ) бўлим бошлиғи О.Норбоев, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутаты А.Шадманов, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг кўмита раиси ўринбосари Ш.Чўллийев ва тегишли давлат органлари вакиллари иштирокида, Миллий марказнинг мурожаати бўйича “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг 86-моддаси биринчи қисмига расмий шарҳ бериш тўғрисидаги ишни очик суд мажлисида кўриб чиқди.

Конституциявий суд маърузачи судья Р.Исмайловнинг маърузасини, Миллий марказ, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва тегишли давлат органлари вакилларининг тушунтиришларини ҳамда Конституциявий суд ҳузуридаги Илмий-маслаҳат кенгаши аъзоларининг фикрларини эшитиб, иш материалларини ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Миллий марказ 2024 йил 24 июнь куни Конституциявий судга мурожаат қилиб, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг 86-моддаси биринчи қисмига расмий шарҳ беришни сўраган.

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий қонунининг (бундан буён матнда – Конституциявий қонун) 27-моддаси биринчи қисмига мувофиқ Миллий марказ Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Конституциявий суд Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 133-моддаси ва Конституциявий қонуннинг 4-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари нормаларига шарҳ беради.

Миллий марказнинг мурожаати Конституциявий қонуннинг 29–30-моддаларида белгиланган талабларга жавоб бериши ҳамда уни кўриб чиқиш учун қабул қилишни рад этишга асослар мавжуд эмаслиги сабабли Конституциявий суд Миллий марказнинг мурожаатини кўриб чиқишни лозим деб топди.

Мазкур масалани ўрганиб чиқиб ва иш материалларини таҳлил қилиб Конституциявий суд, Конституциявий қонуннинг 86-моддаси биринчи қисмида белгиланган нормани турли хил талқин қилиниши ҳамда амалиётда нотўғри қўлланилишига олиб келган ноаниқликлар мавжудлигига аниқлик киритиш мақсадга мувофиқ деган хулосага келди.

Миллий марказнинг мурожаатидан аниқланишича, 2024 йил 23 январь куни фуқаро К.Эшматов Миллий марказга мурожаат қилиб, Конституциявий қонуннинг 86-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган бир йиллик муддат суд қарори қабул қилинган кундан ёки Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисига ишни кассация тартибида такроран кўриш ҳақида протест киритиш тўғрисида берган аризасига жавоб хати берилган кундан бошлаб ҳисобланиши ҳақида тушунтириш беришни сўраган. Фуқаронинг айнан ушбу мазмундаги мурожаати Конституциявий суд томонидан ўрганиб чиқилиб, унга 2023 йил 13 сентябрда (02-12/2423-сонли хат) Олий суд фуқаролик ишлари бўйича судлов ҳайъатининг тегишли ажрими чиққан кундан эътиборан бир йилдан кечиктирмай Конституциявий судга мурожаат қилиш кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ҳам бир неча марта ўрганиб чиқилган. Хусусан, Адлия вазирлигининг 2024 йил 10 майдаги жавоб хатида қонунда назарда тутилган бир йиллик муддат кассация шикоятини (протестини) қабул қилишни рад этиш тўғрисида ажрим чиқарилиб, шикоятни (протестни) берган шахсга юборилган вақтдан ёки

кассация инстанцияси судининг ишни кўриб чиқиш натижалари бўйича ажрим чиқарилган кундан ҳисобланиши тушунтирилган.

Мазкур ҳолатлардан келиб чиқиб, Миллий марказ, Конституциявий судга мурожаат қилиб, Конституциявий қонуннинг 86-моддаси биринчи қисмига мувофиқ фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг қонунда белгиланган тартибда Конституциявий судга мурожаат қилиш муддати қайси вақтдан ҳисобланиши ҳақида расмий шарҳ беришни сўраган.

Конституциявий қонуннинг 86-моддаси биринчи қисмига мувофиқ, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари муайян ишда қўлланилган ва Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ бўлмаган қонунда бузилган деб ҳисобловчи фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг шикоятлари, агар судда ҳимоя қилишнинг бошқа барча воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, судда ишни кўриб чиқиш тугаган кундан эътиборан бир йилдан кечиктирмай берилади. Ушбу норма Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 55-моддасининг учинчи қисми, 133-моддасининг иккинчи қисми қодаларидан келиб чиқади.

Конституциявий қонуннинг 85-моддаси биринчи қисмига биноан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларини расмий шарҳлаш уларда нормаларнинг амалиётда нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланилишига олиб келган ноаниқликлар топилган тақдирда амалга оширилади. Шунингдек, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонуннинг 55-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни расмий шарҳлаш норматив-ҳуқуқий ҳужжатда ноаниқликлар топилган, у амалиётда нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланилган тақдирда амалга оширилиши белгиланган.

Конституциявий қонуннинг 85-моддаси иккинчи қисмига биноан Конституциявий судга Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларини расмий шарҳлаш ҳақидаги мурожаатда Конституцияда ва қонунда уларнинг амалиётда нотўғри ёки зиддиятли тарзда қўлланилишига олиб келган ноаниқликлар мавжудлигига доир важлар ҳамда далиллар кўрсатилган бўлиши керак.

Шунингдек, Конституциявий қонуннинг 85-моддаси тўртинчи қисмига биноан Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунлари нормаларини расмий шарҳлаш жараёнида уларга нормаларни аниқлаштиришга қаратилган тузатишлар, ўзгартишлар, қўшимчалар киритилишига йўл қўйилмайди.

Миллий марказнинг мурожаатида Конституциявий қонуннинг 86-моддаси биринчи қисмида белгиланган бир йиллик муддатни ҳисоблашда ноаниқликнинг мавжудлиги ва бу амалиётда қонун нормасининг нотўғри талқин қилинишига олиб келаётганлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциянинг 55-моддаси учинчи қисмига кўра, ҳар кимга бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш учун

унинг иши қонунда белгиланган муддатларда ваколатли, мустақил ҳамда холис суд томонидан кўриб чиқилиши ҳуқуқи кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 6-моддасига мувофиқ, суд кўрилаётган ва ҳал этилаётган масала бўйича ҳал қилув қарори, қарор, ажрим ва буйруқ шаклидаги суд ҳужжатларини қабул қилади. Бунда биринчи инстанция суди ишни мазмунан кўриб чиқиш натижалари бўйича ҳал қилув қарори қабул қилади, иш мазмунан ҳал этилмайдиган масалаларни кўриш натижалари бўйича ажрим чиқаради. Апелляция, кассация ва тафтиш инстанцияси суди ишни кўриш натижалари бўйича ажрим чиқаради. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсати ишни тафтиш тартибида кўриш натижаси бўйича қарор қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 5-моддасига кўра, суд ҳал қилув қарори, ажрим, қарор, суд буйруғи шаклидаги суд ҳужжатларини қабул қилади. Биринчи инстанция судида ишни мазмунан кўриш натижалари бўйича ҳал қилув қарори қабул қилинади, иш мазмунан ҳал этилмайдиган масалаларни кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилади. Апелляция, кассация ва тафтиш тартибидаги шикоятларни (протестларни) кўриш натижалари бўйича судлар қарор қабул қилади.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексининг 7-моддасига кўра, биринчи инстанция судида ишни мазмунан кўриш натижалари бўйича ҳал қилув қарори, қарор қабул қилинади, иш мазмунан ҳал этилмайдиган масалаларни кўриш натижалари бўйича ажрим чиқарилади. Апелляция, кассация ва тафтиш шикоятларини (протестларини) кўриш натижалари бўйича судлар қарор қабул қилади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 28-моддасига кўра, биринчи инстанция суди жиноят иши бўйича ҳукм ёки ажрим чиқаради. Апелляция инстанцияси суди биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳукмлари ва ажримлари устидан берилган шикоятлар (протестлар) бўйича ишларни кўриб, ҳукм ёки ажрим чиқаради. Кассация инстанцияси суди биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирган ҳукмлари ва ажримлари устидан, агар улар апелляция тартибида кўрилмаган бўлса, шикоятлар (протестлар) бўйича ишларни кўриб, ҳукм ёки ажрим чиқаради. Тафтиш инстанцияси суди биринчи инстанция судининг апелляция ёки кассация, тегишли тафтиш инстанцияси судида кўриб чиқилган ҳукмлари ва ажримлари устидан, шунингдек апелляция ёки кассация, тегишли тафтиш инстанцияси судининг ҳукмлари ёхуд ажримлари устидан берилган шикоятлар (протестлар) бўйича ишларни кўриб, ҳукм, қарор, ажрим чиқаради.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг талабларига кўра, суд маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишни кўриб чиқиш натижаси юзасидан барча инстанцияларда қарор чиқаради.

Конституциявий қонуннинг 86-моддаси биринчи қисмида агар судда ҳимоя қилишнинг бошқа барча воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, судда ишни кўриб чиқиш тугаган кундан эътиборан Конституциявий судга мурожаат қилиш учун қатъий бир йиллик муддат белгиланган.

Конституциявий қонуннинг 86-моддаси биринчи қисмида назарда тутилган судда ҳимоя қилишнинг бошқа барча воситаларидан фойдаланиш деганда, шикоят қилувчи субъектлар (фуқаролар ёки юридик шахслар) томонидан қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларда суд ҳужжатлари устидан шикоят қилиш ҳуқуқидан фойдаланишлари, шунингдек, судда ишни кўриб чиқиш тугаган кун деганда ишни моҳиятдан кўриб чиқиш натижаларига кўра, узил-кесил қабул қилинган суд ҳужжатлари ҳамда иш бўйича ишнинг кейинги кўриб чиқилишини истисно қиладиган охириги суд ҳужжатларининг қабул қилинганлигини тушуниш лозим.

Миллий марказнинг Конституциявий судга киритган мурожаатига асос бўлган фуқаролик иши бўйича суд ҳужжатлари мазкур иш кўрилган вақтда амалда бўлган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг нормаларига мувофиқ қабул қилинган. Ўзбекистон Республикасининг 2023 йил 25 декабрда қабул қилинган “Суд қарорларининг қонунийлиги, асослилиги ва адолатлилигини текшириш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонунига асосан ишларни вилоят судларида ва уларга тенглаштирилган судларда апелляция ёки кассация ва тафтиш тартибида кўриш босқичлари жорий этилди.

Конституциявий суд юқорида кўрсатилган ҳолатларни инобатга олиб, Конституциявий қонуннинг 86-моддаси биринчи қисмида белгиланган конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари муайян ишда қўлланилган ва Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ бўлмаган қонунда бузилган деб ҳисобловчи фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг шикоятлари, агар судда ҳимоя қилишнинг бошқа барча воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, судда ишни кўриб чиқиш тугаган кундан эътиборан бир йилдан кечиктирмай берилиши ҳақидаги нормани турли хил талқин қилиниши ҳамда амалиётда нотўғри қўлланилишига олиб келган ноаниқликлар мавжудлиги боис ушбу қонун нормасига шарҳ беришни лозим деб топди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 133-моддаси биринчи қисмининг 5-банди, “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 4-моддаси биринчи қисми 4-банди, 67, 69, 70, 72 ва 85-моддаларига амал қилган ҳолда, Конституциявий суд

Қ А Р О Р Қ И Л Д И:

1. “Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 86-моддаси биринчи қисмига қуйидаги мазмундаги шарҳ берилсин:

“Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий суди тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 86-моддаси биринчи қисмида “Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари муайян ишда қўлланилган ва Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқ бўлмаган қонунда бузилган деб ҳисобловчи фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг шикоятлари, агар судда ҳимоя қилишнинг бошқа барча воситаларидан фойдаланиб бўлинган бўлса, судда ишни кўриб чиқиш тугаган кундан эътиборан бир йилдан кечиктирмай берилади”, деган нормасида белгиланган “судда ишни кўриб чиқиш тугаган кун” жумласини суд томонидан ишни кўриб чиқиш натижаси бўйича охириги суд ҳужжати қабул қилинган кун, деб тушуниш лозим.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг ушбу қарори “Халқ сўзи” газетаси, “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси ва Конституциявий суднинг расмий веб-сайтида эълон қилинсин.

3. Мазкур қарор қатъий, унинг устидан шикоят қилиниши мумкин эмас ва у расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Конституциявий суди**

Тошкент ш.,
2024 йил 23 июль,
КСҚ–3-сон